

Ўзбекистон Республикаси бюджет
тизими бюджетларининг ғазна
ижроси коидаларига
8-ИЛОВА

2022 й. "12"01 даги "Бухоро электр тармоклари" ОАЖ Ромитан туман филиали, ва Ромитан тумани Ободонлаштириш бошкармаси
ўртасида 29 999 700 умумий суммага тузилган 1-сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ

Боб 110

Шахсий ғазна хисобварак 100022860062427064200110001 (сўмда)

2022 й. ойлар номи	Харажатлар тури			Жами
	7064 200 110 (42 21 000)	...(*)	...(*)	
Январ	29 999 700			29 999 700
Феврал				
Март				
Апрел				
Май				
Июн				
Июл				
Август				
Сентябр				
Октябр				
Ноябр				
Декабр				
Жами йил бўйича	29 999 700			29 999 700

Жами 29 999 700 сўм (Йигирма туккиз миллион туккис юз туксон туккиз минг етти юз сум) сумма сўз билан.

Юкоридаги тулов жадвали бўйича курсатилган суммадан ойига 100% 2022 йил жорий ойнинг охирги санасигача ойлик
равишида туланиши лозим.



Рахбар

М. Ў.

Бош хисобчи

Газначилик бўлинмаси

ходими қабул килди

2022 й. «___» _____

К. Ярашов

(имзо)

А. Эгамов

(имзо)

Бюджетдан маблаг олувчи

ходими қабул килди

2022 й. «___» _____

(имзо)

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил “12” 01

№1- сонли

Ромитан шахри

“Бухоро электр тармоқлари” ОАЖ Ромитан туман филиали, (кейинги ўринларда “Корхона” деб юритилади) нинг низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари З.Файзиев бир тарафдан ва Ромитан тумани Ободонлаштириш бошкармаси (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) нинг низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари К.Ярашов иккинчи тарафдан ушбу шартномани куидагилар хақида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармоқ орқали Истеъмолчига электр энергияси (кейинги ўринларда “Энергия” деб юритилади) бериб туриш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул қилинган Энергия хақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган куввати 750кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юкламали соатларида катнашувчи хақиқий максимал кувват (кейинчалик “Кувват”) учун ҳақ тўлайди.

II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми **66666 кв** ни ташкил қиласди.*

2.2 Шартнома тузилган куннда етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи **29 999 700** сўмни, Кувватнинг нархи **450,0** сўмни (амалда бўлган тариф асосида) ташкил қиласди.*

Шундан, бюджет маблағлари хисобидан **Йигирма туккиз миллион туккиз юз туксон туккиз минг етти юз сум..**

2.3	Корхона	Истеъмолчига	Энергияни	(Кувватни)	ушбу	шартноманинг
1-иловасида	кўрсатилган	микдорда	етказиб	беради.*		

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Кувват) миқдори Энергияни (Кувватни) хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аникланади (2-илова).

Хисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг хисоб-китоб килишига мўлжалланган Энергия ва Кувватни хисобга олишининг бошка воситалари Корхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган хисобга олиш ва назорат килиш тизими билан мос келиши, Истеъмолчининг хисобидан сотиб олиниши, давлат киёсловидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Корхона вакили томонидан рўйхатга олиниши ва тамгаланиши керак.

2.5	Ўзбекистон	Республикаси	Вазирлар	Маҳкамасининг	2008	йил									
24	декабрдаги	277-сонли	карорининг	1-иловасидаги	Табиий монополиялар	субъектлари	томонидан	мажбурий	хизмат	кўрсатилиши	керак	бўлган	Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг йиллик минимал ҳажми	кВт.с.ни	ташкил қиласди.

III. ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Кувват учун хисоб-китоб даври бир ой.

3.2 Корхона ва Истеъмолчи ўртасида хисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив энергия, шунингдек Кувватнинг хисобга олиниши электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида амалга оширилади (3-илова)

Агар Энергияни (Кувватни) хисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкадаги Энергиянинг технологик сарфининг ҳажми Истеъмолчи билан биргалиқда хисоблаш йўли билан далолатнома тузилган ҳолда (4-илова) аникланади ва ҳақ тўлашда ушбу электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига караб, Корхона ва Истеъмолчи хисобига ўтказилади.

3.3 Корхона Истеъмолчи билан биргалиқда ҳар ойда энергия ва кувватнинг хақиқий сарфини аниклаш учун хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади.

3.4 Истеъмолчи келгуси хисоб-китоб даврига у бошланишидан олдин Энергия ва Кувватнинг шартномавий ҳажми нархини 50 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириши шарт.

Истеъмолчи хисоб-китоб даврида хақиқий истеъмол қилган Энергия ва Кувват учун шартнома шартларидан келиб чиқсан ҳолда хисоб-китоб қиласди ва тўлиқ тўловларни навбатдаги ой бошлангунга қадар амалга оширади.

Истеъмол қилинган Энергия ва Кувват учун Истеъмолчининг қарздорлиги, шартномада белгиланган миқдордан кўп истеъмол қилинганилиги учун жарима ва пеня мавжуд бўлса, олдиндан тўлов сифатида ўтказилган маблағлари қарздорликни тугатишга йўналтирилади ва олдиндан тўлов сифатида хисобга олинмайди.

3.5 Корхона ҳар ойнинг 25 санасигача Истеъмолчи билан биргалиқда хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олиш билан бир вактда, хисоблагичларнинг тартиб рақамларини ҳамда амалда истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда хисоботни расмийлаштиради (5-илова).

Хисобот асосида Корхона тегишли хисоб-китобни амалга оширади (6-илова) ва Истеъмолчи хисоб-фактурани олади.

Истеъмолчидаги тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта объект мавжуд бўлган тақдирда хисоб-китоблар ҳар бир объект бўйича кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура ёзилади.

Хисоб-китоб асосида амалга оширилган тўловларни хисобга олганда Истеъмолчининг қарздорлиги аникланса, Корхона хизмат кўрсатувчи банк орқали тўловни амалга ошириши учун акцепт билан тўлов талабномаси беради.

3.6 Истеъмолчи томонидан Энергия (Кувват) истеъмоли ҳақида хисобот тақдим этилмаса ёки хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ёзиб олинмаса, Корхона томонидан хисоб-китоблар истеъмолчининг шартномавий миқдори бўйича, кейинчалик Истеъмолчи билан бирга аникланган хақиқий истеъмол қилинган Энергия учун қайта хисоб-китоб қилган ҳолда, амалга оширилади. Бунда, Корхона

* Изоҳ: Бюджет маблағлари бўйича йиллик харажатлар сметаси тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилгунга қадар, вақтнинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва миқдорлар кўрсатилади.



ва хисоб-фактурами тақдим этади.

3.7 Актив ва реактив Энергия (Кувват) учун хисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро хисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги Низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Электр энергия тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

Истеъмолчиларни тегишли тариф гурухига мансублиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 10 августда 955-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гурухлари тўғрисида низомга мувофиқ белгиланади.

3.8 Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилаётган Энергия ва Кувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳак тўлаши керак.

Таърифлар ўзгарганда “Корхона” бюджетдан маблаг олувчини хабардор килиши ва томонлар янги таърифлар бўйича қўшимча келишув тузишлари лозим. Қўшимча келишув тегишли Фазначилик бўлинмасида ўрнатилганда тартибида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, янги таърифлар бўйича ҳак тўланади.

Бунда,	Истеъмолчи	тариф	ошган	вазиятда	тўлов	кунидан	бошлаб	кейинги
12 ойдан ошмаган муддатга олдиндан тўланган	Энергия	(Кувват)	учун	Корхона	ва	Истеъмолчи		ўртасидаги

3.9 Энергия (Кувват) учун Корхона ва Истеъмолчи томонидан Корхонанинг хисоб ракамига пул маблагларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.10 Агар Истеъмолчи Энергиянинг бир қисмини субистеъмолчига бир ставкали тариф бўйича етказиб берса, у Корхонага ушбу субистеъмолчиларнинг энергетика тизимининг энг катта юкламасида катнашувчи юкламаси кийматига камайтирилган Кувват миқдори учун ҳак тўйайди.

3.11 Реактив Энергия (Кувват)ни ўрнини тўлдириш учун чегирмалар (устамалар) битта хисобга олиш нуктаси бўйича ўртача ойлик Энергияси истеъмоли 15 минг кВт.соатдан ортиқ бўлган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, электрлаштирилган (электр энергияси билан юрадиган) темир йўл, шаҳар транспорти, қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига нисбатан амалга оширилади.

3.12 Корхона ва Истеъмолчи ҳар ойда навбатдаги хисоб-китоб даври бошланиши холатига ўзаро солишириув далолатномасини тузади.

3.13 Энергия (Кувват) истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишнинг Автоматлаштирилган тизимида уланган Истеъмолчиларга Энергия (Кувват) етказиб бериш олдиндан тўланган ҳак доирасида амалга оширилади.

3.14 Истеъмолчининг айби билан Энергия ушбу шартномада талаб этилган ҳажмдан кам истеъмол килинса, олдиндан тўланган маблаглар қайтарилимайди ва кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

3.15 Хисобга олиш прибори Истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар) хисобга олиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарган, хисобга олиш приборидан ташкари электр қабул килгичлар уланган ёки Энергия бошкacha усулда ўтирилган ҳолларда, биргалиқда икки томонлама далолатнома расмийлаштирилади ва шу асосда Корхона Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш хукуқига эга. Далолатнома асосида хисобга олиш приборлари охирги марта ўзгарилилган ёки уларни улаш схемаси текширилган кундан бошлаб бутун ўтган, аммо даъво муддатидан кўп бўлмаган, давр учун электр қабул килгичларнинг уланган куввати ва Истеъмолчининг

4-иоловада кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича Энергия сарфи қайта хисоблаб чиқилиши шарт.

Корхона 3 иш куни мобайнида Истеъмолчига тўлаш учун қўшимча тўлов хужжати ёзид беради, шунингдек хизмат кўрсатувчи банкка тўлов хужжатларини тақдим қиласди.

Истеъмолчи қўшимча тўлов хужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани мажбурий тартибида қонун асосида ундириш чораларини кўради.

Хисобга олиш прибори кўрсаткичини ёзид олиш улаш схемасини текшириш деб хисобланмайди.

IV. ЭНЕРГИЯНИ ЧЕКЛАШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

4.1 Истеъмолчи томонидан Корхона билан биргалиқда, Энергияни чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ягона электр энергетикаси тизимида Энергия ва Кувват танқислиги ҳолларида ягона электр энергетикаси тизимининг барқарор параллел ишлашини таъминлаш, авариялар юзага келишининг олдини олиш ҳамда истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишини бартараф этиш учун чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ишлаб чиқилади.

Узиб қўйиш жадваллари Истеъмолчи томонидан Корхона вакилларидан узиб қўйиш жадваллари жорий этилиши тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин дархол амалга киритилади.

Ушбу билдиришнома Истеъмолчи томонидан бажарилмаганда, Корхона Истеъмолчини огохлантиргандан кейин Энергия ва Кувват истеъмолининг белгиланган даражада камайишини таъминловчи миқдорда Энергия бўйича мажбурий равища чеклайди.

4.2 Электр тармоғи хўжалиги обьектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирасдан, бироқ уни дархол хабардор қилган ҳолда, Энергия узатишда узиб қўйиш ёки чеклашларга рухсат этилади.

4.3 Қуйидаги ҳолларда Корхона Истеъмолчига Энергиянинг етказиб берилишини тўхтатиш ва узиб қўйиш оқибатлари учун жавоб бермаслик хукуқига эга:

а) Энергия (Кувват) шартномавий миқдордан кўп сарфланганида ёки Энергия (Кувват) истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;

б) электр таъминоти шартномасини тузмасдан Энергия истеъмол қилинганда;



в) узстандарт асентлиги томонидан қислашдан утказилган Энергияни хисобга олиш приборлари үзлімде анда,

г) Энергия (Кувват) учун шартномада белгиланган міндердә ва мұддатда түлов тұланмаганды;

д) Корхона тармоқларига электр қабул қылғичлар үзбөшімчалик билан уланганда ёки Кувват шартномада белгиланган міндерден ошириб юборилғанда;

е) электр қабул қылғичлар хисобга олиш приборларидан ташқары уланганда ёки Энергияни хисобга олиш схемаси бузилғанда, шу жумладан хисобга олиш приборларининг ва үлчаш трансформаторларининг пломбалари бузилғанда;

ж) Корхона вакили хисобга олиш приборларини күришгә күйилмеганды.

4.4 Электр манбаидан узіб күйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келдиган, ўта хавфли ва узлуксиз технологик жараёнли (махсус тартибда Энергия етказиб берилдиган корхоналар рўйхатига киритилғанлар) саноат корхоналарида карздорлик пайдо бўлган тақдирда хақ тұланмаганлиги учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибда, электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, түлик узіб кўйиш эса – факат суд карорига кўра амалга оширилади.

4.5 Барча юкорида кўрсатиб ўтилган вазиятларда ягона электр энергетика тизими электр тармоқларига қайта улаш ва Энергия етказиб берилишини тиклаш ишлари Истельмолчи томонидан шу билан боғлик харажатлар қопланганидан кейин навбат билан амалга оширилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Истельмолчининг ҳуқуқлари:

а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;

б) Энергияни электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган міндердә етказиб беришни талаб қилиш;

в) электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергиянинг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада сақлашни талаб қилиш;

г) Корхонанинг электр тармоғи хўжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида узіб кўйишгача камидан 3 сутка олдин огохлантиришни талаб қилиш;

д) Энергиянинг тегишли міндори учун олдиндан түлов амалга оширилган тақдирда Энергиянинг шартномавий міндорини ўзгартиришни талаб қилиш;

е) Олдиндан хақ тұланғанлигидан қатый назар Энергиянинг шартномавий ҳажмини камайтириш томонига ўзгартиришни талаб қилиш.

Бундай талабномалар назарда тутилаётган ўзгартиришлардан (жорий ой тугашидан) 10 кундан кечикмай берилиши лозим.

5.2 Истельмолчининг мажбуриятлари:

а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

б) келгуси хисоб-китоб ойи учун Энергия (Кувват) ҳажмига шартномада белгиланган мұддатда хақ тұлаш;

в) Электр курилмаларини зарур техник ҳолатини ва Истельмолчиларнинг электр курилмаларини эксплуатация килишда Хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя килиниши ҳамда Энергиядан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

г) 7-илювага мувофиқ компенсация курилмалари иш режимига (реактив энергия ва қувват истельмоли) риоя қилиш;

д) энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларida талаб этилган Кувватдан ошмаслиқ.

Истельмолчи Корхонанинг талабига кўра куйидагиларни хисобга олиши ва хабар қилиши шарт:

- истельмол килинаётган Энергиянинг (Кувватнинг) суткалик, ойлик сарфлари ва ҳақиқий міндорини;

- ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврида реактив энергиянинг (куватнинг) ҳар суткали сарфи;

- ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламасининг ўтиши даврида Энергиянинг (Кувватнинг) ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

5.3 Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) шартномада белгиланган тартибда ва керакли ҳажмда шартнома мажбуриятлари бажарилишини талаб қилиш;

б) хисоб-китоб даврининг ҳар қайси кунига ўзаро хисоб-китоблар солишириув далолатномасини тузиш.

5.4 Корхонанинг мажбуриятлари:

а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

б) Энергияни шартномада белгиланган ҳажмда электр тармоқларининг баланс мансублиги чегарасигача узлуксиз етказиб бериш;

в) Истельмолчиларга Энергияни етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълум қилиш;

г) жорий этиладиган чеклашлар ҳакида, чеклашнинг ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда, ўз вақтида хабар қилиш;

д) Истельмолчиларнинг Энергия керакли міндорда етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар ҳакидаги аризаларини олинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

е) Истельмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ

5 кун мұддатда ойлик шартномавий міндорга ўзгартиришлар кириши, Энергиянинг ойлик шартномавий міндорини кўпайтириш (камайтириш), имконияти бўлмаган тақдирда эса бу тўғрисида Истельмолчига рад этишнинг сабабини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиш.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ФОРС-МАЖОР

6.1 Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида етказилган ҳақиқий зарар айблор тараф томонидан иккинчи тарафга тұланиши шарт.

6.2 Энергияни етказиб бериш мұддатлари ўтказиб юборилса ёки Энергия шартнома міндорининг 5 фоизидан ортик міндорда етказиб берилмаса, Корхона ҳар бир мұддати ўтказиб юборилган кун учун Истельмолчига бажарилмаган мажбуриятлари суммасининг 0,1 фоизи міндорида пеня тўлайди, лекин пеняниң умумий суммаси етказиб берилмаган Энергия нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тұланиши Корхонани шартнома шартларини керакли ҳажмда бажарышдан ва етказиб бериш мұддатининг узайтирилиши ёки Энергиянинг керакли ҳажмда етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.



6.3 Етказиб берилган Энергия учун уз вақтида дақ туламаса, көтөмөлчи корхона аудадын утказиб юборилиш дағы омир күн учун түлов суммасининг 0,1 фоизи (Энергия маҳсус тартибда етказиб берилувчи корхоналар учун 0,2 фоиз) микдорида пеня түлайди. Бунда, пенянинг умумий суммаси муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня хисоб-китоб давридан кейинги ойнинг тугаганидан кейин бошлаб хисобланади.

6.4 Истеъмолчи хисобот даврида шартномада кўрсатилган микдорга нисбатан 5 фоиздан ортиқ Энергия истеъмол қилганда, хисоб-китоб даври учун шартномада кўрсатилгандан ортиқ истеъмол килинган жами ҳажм учун белгиланган тарифнинг 50 фоизи микдорида Корхона фойдаласига жарима тўлайди (6.5-бандда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5 Ушбу шартномада белгиланган Энергиянинг тегишли ҳажми учун олдиндан тўловни амалга ошириш шарти билан Истеъмолчининг таклифи бўйича хисоб-китоб даври тугашидан 10 кун олдиндан кечиктирмасдан Энергиянинг шартномавий ҳажмларига киритилган ўзгартиришлар шартномада белгиланган ҳажмдан кўп истеъмолга кирмайди.

6.6 Корхона:

а) Истеъмолчи Энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, Энергия истеъмоли ёки Кувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйган, Корхонаси томонидан белгиланган Энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли Энергия етказиб берилганлиги учун;

б) захира манбанин автоматик улаш, автоматик кайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида Энергияни етказиб беришдаги танаффуслар учун Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

6.7 Истеъмолчининг ягона электр энергетика тизимининг энг катта кучланиши соатларида амалдаги юкламаси шартномада назарда тутилган кўрсаткичдан 5 фоиздан ортиқ бўлган тақдирда, хисоб-китоб даврининг охирида амалдаги юкламанинг ортиқча бутун кисми учун кайта хисоб-китоб килинади ва белгиланган тарифнинг 50 фоизи микдорида кўшимча ҳақ ундирилади.

Кўшимча Кувватга ҳақ тўланиши келгусида ҳар бир аниқ вазият учун Корхонадан тегишли руҳсат олмасдан ушбу шартномада талаб этилганидан ортиқ Кувватдан фойдаланиш хукукини бермайди.

6.8 Тарафлар шартномани форс-маJOR ҳолатлари, яъни енгиг бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, курғокчилик, сув тошкени, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган хисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Газначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради)

7.2 Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас кисми хисобланади.

7.3 Шартнома бир йил муддатга тузилади. Шартномани амал килиш муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор килиш ёки ўзгартириш ҳакида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган хисобланади. Бундай ариза шартнома амал килиш муддатининг охирги ойи мобайнида тақдим килиниши лозим.

Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин. (Бюджетдан маблаг олувчилик учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси Қоидалари”га асосан амал килиш муддати “31” 01 2022 йилгача белгиланади).

7.4 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга факат конун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

7.5 Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Электр энергетики тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” ва бошқа конун хужжатлари билан тартибга солинади.

7.6. Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиқкан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

Тарафлар ўргасида ўзаро ҳал килинмаган низолар конунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибида ҳал килинади.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Корхона»

Бухоро электр тармоқлари ОАЖ Ромитан туман
филиали

Почта манзили: Ромитан ш. Нурафшон куч.

Ҳисоб рақами : 22636000600487303324

Банк коди (МФО): 00086

Бухорош.,АТСаноат-Курилиш банк Бухоро мин.ф
СТИР (ИНН): 201 188 400 ОКОНХ11170

Телефонлар/ Факс: 552-25-02

Статистик кодлар:

ДБИБТ (СОСИ) ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI
МИОБТ (СОСИ) CORXONASI
Сана 11.01.2010

Ф.И.Ш. ROMITAN TUMAN
ELEKTR TARMOQLARI
KORXONASI
M. Ў.

«Истеъмолчи»

Ромитан туман Ободонлаштириш бошкармаси

(бюджетдан маблаг олувчининг номи)

Манзил: Ромитан тумани С.Айний кучаси

Тел./факс: 55-2-17-08

ш/х 100022860062427064200110001

ИНН: 206 991 017 ОКОНХ 90 290

Ромитан туман Газначилик бўлинмаси

ЯГХ 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошкармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ),

МФО 00014

Газначилик бўлинмаси СТИР 201 122919

Рахбар: К.Ярашов

(Ф.И.Ш)



Электр таъминоти бўйича
намунавий шартномага
1-илова

Етказиб берилаётган Энергия (Кувват)нинг миқдори

1. Тариф гурухи 11
2. Фаолият тури Узлукенз
3. Истеъмолчининг электр курилмаларини уланган қуввати: 10 кВА, (кВт)
4. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича): 10
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича амалдаги тоифаси: 10

	Талаб этилган Кувват, кВт	Энергия миқдори, минг кВт.с	Жумладан тариф гурухлари бўйича			
			4	5	6	7
1	2	3				
Йил, жами I чорак	<u>66666</u>					
Январ	<u>66666</u>					
Феврал						
Март						
II чорак						
Апрел						
Май						
Июн						
III чорак						
Июл						
Август						
Сентябр						
IV чорак						
Октябр						
Ноябр						
Декабр						

2-устун Икки ставкали истеъмолчилар томонидан тўлдирилади.

Истеъмолчи

Ромитан туман Ободонлаштириш бошкармаси
M.Y.



Бухоро электр гармоқлари Ромитан туман фил

M.Y.

Корхона

Электр таъминоти бўйича
намунавий шартномага
2-илова

Энергияни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш жойлари ва характеристикалари.

Истельмолчи, субистельмол- чининг ҳисобга олиш приборларин и ўрнатиш жойлари. Тури ва кучланишни (кВ) кўрсатган холда	Ҳисобга олиш прибор- ларининг тариби (актив, реактив), (номина- л ток)	Ҳисобга олиш прибор- ларининг тартиб раками	Ҳисобга олиш прибор- ларидаги клемма қопқоғи- нинг тамға раками	Ўлчов трансформа- торларининг ўзгариш коэффици- ентлари		Ҳисоб лаш коэф- фициен- ти	Шартно- мани тузиш вактида ҳисобга олиш прибор- ларининг кўрсаткич лари	Тариф 1кВт.с/сўм 1 кВАр.с/сўм	Истельмол- чининг фаолият турининг соҳа бўйича коди
				Ток	Кучла- ниш				
Электр механик 920 - 380	Электр механик Хисоблари	1-63	-11-	220 380	50	1	0-0	450	0004



Истельмолчи

М.У.М.



Электр таъминоти бўйича
намунавий шартномага
З-илова

ДАЛОЛАТНОМА

хизмат кўрсатиш чегаралари ҳамда тармоқлар ва электр жиҳозларининг эксплуатация ҳолати учун жавобгарликни белгилаш бўйича

1. Истеъмолчининг балансида қуидаги электр қурилмалар мавжуд:

a) ҳаво линиялари 42 км

b) кабел линиялари 48 км

b) нимстанциялар, трансформатор нимстанциялари

1-63

2. “Истеъмолчи” ва “Корхона” ўртасидаги ажратиш чегараси электр қурилмаларининг баланс мансублиги бўйича аниқланади: — — —

3. Улардан:

a) Қуидагиларга «Истеъмолчи» томонидан хизмат кўрсатилади

Туман бўйича энзор инордир

b) Қуидагиларга Электр таъминоти корхонаси (ТЭТ) томонидан истеъмолчи билан шартнома бўйича хизмат кўрсатилади Софро наимон кб

4. Электр қурилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш учун жавобгарлик чегаралари қуидагича белгиланади: Софро наимон кубратиши



Электр таъминоти бўйича
намунашвий шартномага
4-илова

ДАЛОЛАТНОМА
энергия исрофларини аниқлаш бўйича

Энергияни хисобга олиш приборлари тармоқларнинг бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган бўлса, энергия исрофлари ҳисоб-китоб йўли билан тармоқларнинг баланс мансублигини хисобга олган ҳолда аниқланади, бу:

а) 10 кВА қувватли трансформаторларда актив энергиянинг ҳар ойдаги исрофлари 10 кВт.соат ёки 100 фойзни, реактив энергиянинг исрофлари 10 кВАр.соат ёки 100 фойзни ташкил қиласди;

б) Истеъмолчининг кабел линияларида ҳар ойдаги исрофлар:

Узунлиги 42 см м;

Кесими 0,1 мм;

Русуми 2x16 - 2x10 - 1x16 ;

Кучланиши 10 кВ, 10 кВт.соат ёки 100 фойзни ташкил қиласди;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларида ҳар ойдаги исрофлар:

Узунлиги 48 см м;

Кесими 0,2 мм;

Русуми 2x16 см ;

Кучланиши 10 кВ, 10 кВт.соатни ёки 100 фойзни ташкил қиласди;

Ойлик йўқотилиш миқдори ҳисбот давридаги энергия истеъмоли миқдорининг _____ фойзини ташкил этади.

Корхона бир кунда 10 соат бир ойда 31 кун ишлайди.

Сменалар бўйича юкламалар нисбати фоиз ҳисобида I_____, II_____, III_____

Имзолар:



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA
HUQUQIY XULOSA
№ CF1785160042**

1. Loyihaning turi – shartnoma

Loyihaning nomi –“Buxoro elektr tarmoqlari” OAJ Romitan tuman filiali va Romitan tuman Obodonlashtirish boshqarmasi o‘rtasida elektr energiyasi bilan ta‘mminlash bo‘yicha (yillik jami:29.999.700 so‘m) tuzilgan №1-raqamli xizmat ko‘rsatish shartnomasi.

Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:

Mazkur №1-raqamli xizmat ko‘rsatish shartnomasi 12.01.2022 yilda Romitan tuman Obodonlashtirish bo‘limi tomonidan ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Tayyorladi:

**Romitan tuman yuridik xizmat ko‘rsatish
markazi bosh yuriskonsulti:**



B.Bo‘ronov

14.01.2022 y.